БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-йил чиқиши

№ 12 (4728).

17 ЯНВАРЬ ЧОРШАНБА 1973 йил

Баҳоси 2 тийин.

ТАСС АХБОРОТИ

„ЛУНА-21“ СОВЕТ АВТОМАТ СТАНЦИЯСИ РАВШАНЛИК ДЕНГИЗИДА

„ЛУНОХОД-2“ ТАДҚИҚОТЛАР ПРОГРАММАСИНИ БАЖАРИШГА КИРИШДИ

«Луна-21» автомат станцияси 1973 йил 16 январда Москва вақти билан соат 01 дан 35 минут ўтганда Равшанлик денгизи шарқий чеккасидаги Лемонье кратери ичида Ой сатҳига оҳиста қўнди. Автомат станция катта илмий аҳамиятга эга бўлган материк районга бевосита яқин жойга қўнди.

Станция Ойга ўзиюрар «Луноход-2» автомат аппаратини элтиб қўйди. Бу аппарат «Луноход-1» аппарати ойдаги Емгирлар денгизида ўтказган тадқиқотларни давом эттиради. «Луноход-2»нинг вазни 840 килограмм.

Учиш программасига мувофиқ 13 ва 14 январда «Луна-21» станциясининг Ой атрофидаги орбитаси тўғрилаб қўйилди ва у Ой сатҳидан минимал узоқлиги 16 километр бўлган эллипсимон орбитага ўтди.

«Луна-21» автомат станциясининг Ой сунъий йўлдоши орбитасидан чиқиши ва қўниши унификациялаштирилган қўниш босқичи ёрдамида муваффақиятли бажарилди.

Станция қўндирилиб, луноходнинг борт системалари ҳолати текшириб телевизион, қурилмалар ёрдамида атроф-теварак сатҳи кўздан кечирилгандан кейин ўзиюрар аппарат 16 январь соат 4 дан 14 минут ўтганда Ой сатҳига туширилди.

Ой сатҳида ҳаракат чоғида аппаратнинг ҳаракатланувчи қисми ва бошқариш системаси текшириб кўрилди, қўниш босқичи ва Ой рельефининг телевизион тасвирлари олинди.

«Луноход»да ва қўниш босқичида СССР давлат байроғи, В. И. Ленин барельефи, Совет Иттифоқи Давлат гербининг тасвири тушириллан ва «СССРнинг 50 йиллиги» деган сўзлар ёзилган вимпеллар ўрнатилди.

Ой сатҳида тадқиқот ишларини олиб бориш ва ҳаракатини бошқариш учун ўзиюрар аппарат илмий аппаратлар билан, бошқариш системалари, радио ва телевизион алоқа воситалари билан ускуналанган.

Космик фазони тинч мақсадларда ўрганиш ва ўзлаштиришда ҳамкорлик қилиш хусусида тузилган Совет—Франция битимига мувофиқ «Луноход-2» да француз мутахассислари тайёрлаган ва Ойнинг лазер локацияси соҳасида экспериментларни давом эттиришга мўлжалланган бурчакли қайтаргич ўрнатилган.

Ўзиюрар аппарат олис космик алоқа марказидан тўриб бошқарилмоқда. Аппарат билан барқарор алоқа ўрнатилган. Телеметрик ахборот маълумотларига қараганда, «Луноход»даги барча системалар нормал ишлаб турибди.

«Луноход-2» 18 январгача бир маромда туради. Энергия билан таъминловчи борт химия манбалари қуёш батареяси ёрдамида зарядлаб қўйилгандан кейин ўзиюрар аппарат белгиланган программани бажаришни давом эттиради.

Координация-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда. Автомат аппаратлар ёрдамида Ойни тадқиқ этишнинг Совет программаси муваффақиятли суратда давом эттирилмоқда.

ЎРТОҚ А. Н. КОСИГИН УФАГА КЕЛДИ

УФА, 16 январь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин бугун Уфага келди.

Аэродромда ўртоқ А. Н. Косигинни КПСС Бошқирдистон область комитетининг биринчи секретари М. З. Шокиров, Бошқирдистон АССР Олий Совети Президиумининг раиси Ф. В. Султонов, Бошқирдистон АССР Министрлар Советининг раиси З. Ш. Акназаров, шунингдек нефть саноати министри В. Д. Шашин кутиб олдилар.



ОҚҚУРҒОН районидаги «Ленинобод» колхозининг илғор механизатори Ў. Сиддиқов шу кеча-кундузда қишлоқ хўжалиги машиналарини сифатли ремонтдан чиқариш учун астойдил ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқда. У кундалик топшириқни 1,5 — 2 баравар бажармоқда. Суратда: Ў. Сиддиқов ремонт пайтида.

Х. Аввалов фотоси.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТНИНГ ОММАВИЙЛИГИ УЧУН

Коммунистик партия, Совет ҳукумати халқимизнинг соғлиғи, жисмоний жиҳатдан чиниқиши тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Шу туфайли кейинги йилларда мамлакатимизда спорт ҳаракати кенг қулоч ёйди. Спортчиларимизнинг жаҳон мусобақаларида эришган катта муваффақиятларида Ўзбекистонимиз вакилларининг ҳам ҳиссаси борлиги ҳаммамизни ҳурсанд этади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республикада физкультура ва спорт ишларини ҳида яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан бирмунча ишлар қилинди. Тошкент область партия комитети ана шу қарор юзасидан белгиланган кўрсатмалар область физкультура ва спорт ташкилотларида қандай бажарилаётганлигини кўриб чиқди.

Область физкультура ва спорт комитети ва унинг жойлардаги органлари, кўнгилли спорт жамиятлари ишини бирмунча қайта қурдилар. 40 мингдан ортиқ меҳнаткаш физкультура ва спорт машғулотларига жалб қилинди. 700 га яқин волейбол ва баскетбол майдончалари қурилди. Ўтган йили халқаро классли икки спорт мастери ,40 СССР спорт мастери, 558 спорт мастерлигига номзод ва биринчи разрядли спортчилар, 35 мингдан ортиқ оммавий разрядлилар тайёрланди.

Областда 275 мингдан ортиқ меҳнаткаш «Меҳнат ва СССР мудофаасига тайёр» янги комплекси нормаларини топширишга киришди, улардан 32 минги барча талабларни тўлиқ бажариб, ГТО нишондорлари бўлдилар.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорларини бажариш соҳасидаги ишлар қониқарли деб бўлмайди. Область физкультура ва спорт комитети, унинг жойлардаги органлари, кўнгилли спорт жамиятининг область Советлари физкультурани оммавий ривожлантиришда, уни область меҳнаткашларининг кундалик турмушига сингдиришда мавжуд имкониятлардан яхши фойдаланмаётирлар.

Аҳолининг кўпчилик қисми ҳамон секциялар ва командалардаги машғулотларга жалб қилинмай қолмоқда. Масалан, Янгийўл районида аҳолининг атиги 14 процента физкультура ва спорт билан шуғулланади. Бўстонлиқ районида эса бу кўрсаткичдан ҳам кам — борйўғи 13 процент аҳоли жалб қилинган.

Кўп физкультура коллективлари ташкилий жиҳатдан бўш, зарур моддий-техникавий базага эга эмас. Натижада область бўйича спортнинг кўпгина турлари қониқарсиз ривожланмоқда. Хусусан, чавандозлик, теннис, сув полоси ва қиличбозлик секцияларига жуда кам одам қатнашади.

Область физкультура ва спорт комитети мактабларда жисмоний тарбиянинг йўлга қўйилиши юзасидан халқ маорифи органларига лозим даражада талабчанлик қилмаётир. Юқори синф ўқувчиларининг ярмидан кўпи спорт билан шуғулланмайди. Ўсмирлар учун айниқса муҳим бўлган енгил атлетика, гимнастика, қиличбозлик каби спорт турларига мактабларда эътибор берилмаётганлиги ташвишли бир ҳолдир. Кўпгина мактабларда жисмоний тарбия дарслари паст савияда ўтади, программа бажарилмайди. Физкультура дарсларини бошқа фанлар билан алмаштириш ҳоллари ҳам мавжуд.

Мактабларни моддий-техникавий база билан таъминлаш масалалари қониқарсиз ҳал қилинмоқда. Аксарият мактаблар спорт-гимнастика далларига эга эмас. Болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг базаси ҳам талабга жавоб бермайди.

Комсомол ташкилотлари физкультура ва спортни ривожлантириш, уни ёшларнинг севимли машғулотига айлантириш учун жиддийроқ шуғулланишлари керак. Ҳар бир ВЛКСМ аъзоси «Физкультурачи, ГТО нишондори бўлиши лозим» деган шиорни ўртага ташлайдиган пайт келди. Комсомол ташкилотлари ёшларни спорт иншоотлари қурилишига актив жалб қилишлари, жойларда ўз кучлари билан спорт комплекслари вужудга келтиришлари керак.

Умуман область физкультура ва спорт комитети ва унинг жойлардаги органлари спорт иншоотлари қурилиши юзасидан қарорларни бажариш қандай кетаётганлигини назорат қилмай қўйди. Область партия комитети ва область ижроия комитети 1972—1975 йиллар мобайнида қурилажак стадионлар, спорт заллари ва ҳавзалари планини тасдиқлаган эди. Планда белгиланган ишлар қониқарсиз амалга оширилмоқда. Бекобод шаҳар ижроия комитети, Оҳангарон, Оққурғон, Юқори Чирчиқ ва Бўстонлиқ район ижроия комитетлари спорт иншоотлари қуриш юзасидан ўтган йилги қарорни бажаришга киришмадилар.

Оммавий спорт ишларини яхши йўлга қўйиш учун мавжуд спорт базаларидан унумли фойдаланишни ҳам унутмаслик керак. Машқлар ва мусобақаларни ўтказиш учун маданият ва истироҳат боғлари, дам олиш уйларидаги майдончалардан, мактаб залларидан фойдаланиш мумкин.

Ҳозирги қишки мавсумда меҳнаткашларнинг ҳар томонлама чиниқиши, кўнгилли дам олишини ташкил этиш хусусида кўпроқ ўйлаш керак. Областимизда конькида учиш, тор чанғиси сингари спортнинг қишки турларини ривожлантириш учун имкониятлар мавжуд. Қишлоқ аҳолисининг ёз ва куздагидан кўра қиш даврида бўш вақтлари кўплигини ҳисобга олиб, хилма-хил физкультура ва спорт тадбирларини ўтказиш мумкин. Қишлоқ жойларда спортнинг миллий турларини ривожлантириш, овчилик ва балиқчилик, туризм секцияларини кўпроқ ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бу йил ўтадиган умумўзбек XVI спартакиадаси физкультура ташкилотларининг оммавийлик ва маҳоратни ошириш йўлида қандай ишлаганликларига синов бўлади. Спартакиадага область спорт делегацияснинг пухта тайёрлаш ҳар бир шаҳар ва райондаги қўйи физкультура коллективларидан ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланиб, уюшқоқлиқ билан иш олиб боришни, сафларни кенгайтиришни тақозо этади.

Жисмоний тарбияга барча ёш ва турли касбдаги кишиларни жалб қилиш учун физкультура ва спорт пропагандасини яхшилаш лозим. Шаҳар ва районларда спорт базаларида чиройли плакатлар, шиор ва паннолар, стендлар ва жадваллар совет спортининг ютуқлари ҳақида ҳикоя қилиб турсин, аҳолини физкультура ҳаракатига чорласин.

Янги ГТО комплекси асосида физкультура ва спорт билан шуғулланиш ҳар бир кишига куч-қувват бағишлайди, янада унумлирок ишлашга, социалистик Ватанни ҳимоя қилишга доим тайёр туришга ёрдам беради. «Меҳнат ва СССР мудофаасига тайёр» янги комплексига норма топшириш қанча кенг қулоч ёйса, бизда бақувват, чиниққан ва моҳир кишилар шунча кўпаяди. Бу эса меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга самарали таъсир кўрсатади.

Физкультура ҳаракатини кенг оммалаштирайлик!

ЧОРВАЧИЛИК БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА СОВЕТИНИНГ ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАРИНИ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

Чорвачилик ходимларининг 1972—1973 йил қиш даслида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун ўтказилаётган республика социалистик мусобақаси голибларига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Касаба Союзлари республика Советининг Қизил байроқлари билан бирга илғорларни ва энг яхши хўжаликларни мукофотлаш учун:

— Қорақалпоғистон АССР ва областларга:

10 минг сўм миқдорида битта биринчи мукофот — 5 та юк автомашинаси;

ҳар бири 5 минг сўмдан иккита иккинчи мукофот — 3 тадан юк автомашинаси;

ҳар бири 3 минг сўмликдан иккита учинчи мукофот—2 тадан юк автомашинаси берилади.

— районлар учун:

ҳар бири 5 минг сўмликдан иккита биринчи мукофот — 3 тадан юк автомашинаси;

ҳар бири 3 минг сўмликдан учта иккинчи мукофот—2 тадан юк автомашинаси;

ҳар бири 1 минг сўмликдан олтита учинчи мукофот — 1 тадан юк автомашинаси берилади.

— колхозлар, совхозлар ва давлатга қарашли бошқа хўжаликлар учун:

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги бўйича 39 та Қизил байроқ ва илғор чорвадорларга сотиш учун мукофот тариқасида 39 та енгил автомашина ва 39 та коляскали мотоцикл;

Ўзбекистон ССР совхозлар министрлиги бўйича 11 та Қизил байроқ, 11 та енгил автомашина ва 11 та коляскали мотоцикл;

Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати министрлиги бўйича 3 та Қизил байроқ, 3 та автомашина ва 3 та мотоцикл;

«Главсредазирсовхозстр о й» бўйича — 1 та Қизил байроқ, 1 та автомашина ва 1 та мотоцикл берилади.

Чорва мол қишловини муваффақиятли ўтказганлик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириб, давлатга сотиш планларни ҳамда социалистик мажбуриятларни бажаришда юксак кўрсаткичларга эришганлик учун 1972 йил тўртинчи кварталидаги ва 1973 йил биринчи ярмидаги (1 ва II кварталлардаги) иш якунларига қараб Қизил байроқлар мукофотлар билан бирга берилади.

Социалистик мусобақа якунларини қараб чиқиш ва районларга, колхоз ҳамда совхозларга Қизил байроқлар бериш вақтида ишлаб чиқаришнинг ҳажми, чорва молларнинг семизлиги ва маҳсулдорлиги, шунингдек озуқа экинлари экиш плани-нинг бажарилиши ва 1973 йил 1 июлга қадар озуқа экинлари қандай тайёрланганлиги эътиборга олинади.

Районлар, колхозлар, совхозларга ва давлатга қарашли бошқа хўжаликларга Қизил байроқлар область партия комитетлари, область ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министрлиги, совхозлар министрлиги, озиқ-овқат саноати министрлиги ва «Главсредазирсовхозстрой»нинг тақдимига мувофиқ берилади.

Чорвачилик бўйича республика социалистик мусобақасида 1973 йилнинг биринчи ярмида энг яхши кўрсаткичларга эришган бригадалар, фермалар, бўлимларнинг коллективларини ва чорвачилик илғорларини мукофотлаш учун Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги ва совхозлар министрликлари, «Главсредазирсовхозстрой» қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ишчилари ҳамда хизматчилари касаба союзи республика комитети билан биргаликда Фахрий ёрлиқлар таъсис этдилар:

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги бўйича — бригада, ферма ва бўлимларнинг коллективлари учун 50 та Фахрий ёрлиқ, шунингдек бригадалар, фермалар ва бўлимларнинг илғор ходимлари учун 200 та Фахрий ёрлиқ, социалистик мамлакатларга сафар қилиш учун 120 та туристик путевка ва санаторий ҳамда пансионатларга бориш учун 55 та путевка;

Ўзбекистон ССР совхозлар министрлиги бўйича—бригада, ферма ва бўлимларнинг коллективлари учун 25 та Фахрий ёрлиқ шунингдек бригадалар, фермалар ва бўлимларнинг илғор ходимлари учун 15 та фахрий ёрлиқ, социалистик мамлакатларга сафар қилиш учун 70 та туристик путевка, санаторий ҳамда пансионатларга бориш учун 40 та путевка;

«Главсредазирсовхозс т р о й» бўйича—бригада, ферма ва бўлимларнинг коллективлари учун 10 та Фахрий ёрлиқ, шунингдек бригадалар, фермалар ва бўлимларнинг илғор ходимлари учун 30 та Фахрий ёрлиқ, социалистик мамлакатларга сафар қилиш учун 40 та туристик путёвка, санаторий ҳамда пансионатларга бориш учун 30 та путёвка берилади.

Фахрий ёрлиқлар ва туристик сафар путёвкалари, санаторий ҳамда пансионатлар путевкалари билан мукофотлаш Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги, совхозлар министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой» ва қишлоқ хўжалиги ҳамда тайёрлаш ишчилари ва хизматчилари касаба союз республика комитети ва уларнинг жойлардаги органларининг тақдими билан ўтказилади.

КЎКЛАМ ТАРАДДУДИ

ТЕХНИКА ЭКИШГА ШАЙ

Райондаги «Северний маяк» колхози механизаторлари ўтган юбилей йилини қувончли ютуқлар билан якунлаб, 1973 йил мўл ҳосилига тайёргарлиқ кўришни кучайтирб юбордилар.

Тракторчилар техникани кўкламга муддатидан олдин тайёрлаб қўйиш учун курашиб, яхши кўрсаткичларга эришдилар. Қисқа вақт ичида ҳайдов, чопиқ тракторларининг ҳаммаси тўла ремонтдан чиқариб бўлинди. Махан Бекбўсинов, Ўсмон Ўтаганов, Бозорбой Назаров, Эркин Омонов каби механизаторлар ўзларига беркитилган техника ремонтини колхозда биринчи бўлиб тамомлаб, кўкламга шай қилиб қўйдилар.

Хўжаликда терим машиналарини ремонт қилиш ишлари ҳам тез суръатларда олиб борилянти.

РЕМОНТЧИ ДУГОНАЛАР

Махсумахон Соатова, Рабиға Турмонова ўртоқлар ўн уч йилдан бери «Узсельхозтехника»нинг район бўлими устахонасида меҳнат қилишади. Улар колхозлардан келган тракторларни, терим машиналарини сифатли ремонт қилишда доимо пешқадам бўлмоқдалар. Агрегатларнинг эҳтиёт қисмларини тайёрлаш, тозалаш ва жой-жойига қўйиш каби иш нормаларини 150 процентдан ошириб адо этишянти. Маъмурият икки дугонанинг меҳнатига юксак баҳо бериб, уларни рағбатлантирмоқда.

— Биз, — дейди Маҳсума, беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида янада ғайрат кўрсатамиз. Техникани тезроқ экишга тайёрлашда ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

ДАЛА ИШЛАРИ АВЖИДА

«Коммунизм» колхозида ҳозирги кунларда дала ишлари намунали олиб борилмоқда. Нотекис ерлар текисланянти, кераксиз ариқ ва зовурлар тартибга келтирилб, экинзорга айлантириляпти. Ўртоқ Н. Югай бошлиқ 1-бригада далаларида жуда кўп трактор, бульдозер, грейдерлар ишлаб турипти. Жумабой Юсупов, Игорь Плисковский, Комил Холиқов каби механизаторлар ер текислашда, қўриқ ерларни ўзлаштиришда бошқаларга намуна бўлишмоқда. Бригадада бу йил ариқ-зовурлар ҳисобига уч гектар ер ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалиги оборотига киритилади. Колхознинг бошқа бригадаларида ҳам ер текислаш ишлари кучайиб кетди.

УҒИТ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Акмал Икромов номли колхозда далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш кундан-кунга жадаллаштириляпти. Ўндан ортиқ тележка ишлаб турипти. Кунига 100 тонна ғўғ ташиб чиқарилмоқда. Ҳосил кам етиштирилган бригадларга кўпроқ ўғит чиқаришга катта аҳамият берилмоқда. Хўжаликда ариқ-зовурларни тозалаш ишлари давом этяпти.

Пахтакор социалистик мусобақани кучайтириб, экиш кампаниясига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар.

М. ҒОЗИЕВ.
Ўрта Чирчиқ райони.

ЯНГИ РЕЖАЛАР, ЯНГИ МАРРАЛАР

Тошкент сут комбинатининг социалистик мажбуриятлари

Тошкент сут комбинатининг коллективи СССРнинг олтин юбилейини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, 1972 йилга давлат планини 13 декабрда бажарди. Республика пойтахтининг аҳолиси пландан ташқари 3860 тона сут маҳсулоти олди.

Комбинат коллективи мусобақада эришган муваффақиятлари учун Ватаннинг юксак мукофотига — КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг юбилей фахрий нишонига сазовор бўлди. Бу мукофот ходимларнинг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини оширib юборди. Корхона коллективи саноат, қурилиш ва транспорт ходимларининг 1973 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига баланд руҳ билан қўшилмоқда. Тошкент сут комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ўз зиммаларига қуйидаги социалистик мажбуриятларини олдилар:

— йиллик планни 25 декабргача бажариб, топшириқдан ташқари 1200 тонна қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти берамиз;

— ишлаб чиқариш технологиясини яхшилаш, янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш, хомашё, электр энергия ва ёрдамчи материаллари тежаб-тергаб сарфлаш ҳисобига 150 минг сўм фойда оламиз;

— меҳнатни илмий ташкил этишнинг 3500 сўм иктисодий тежам берадиган икки планини ва 8 минг сўм пулни тежаш имконини туғдирадиган 6 та рационализаторлик таклифини ишлаб чиқаришга жорий қиламиз;

— 65 кишига турдош ва ўхшаш касбларни ўргатамиз, 30 кишининг малакасини оширамиз, комбинат ходимларидан 217 кишини иқтисодий ўқишга тортамиз.

Биз 1973 йилни тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилига, зарбдор меҳнат йилига айлантиришга, мамлакатимиз экономикасини янада ривожлантириш учун бутун куч-билим ва тажрибамизни сарфлашга қатъий аҳд қилганмиз.

Социалистик мажбуриятлар комбинат ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг умумий йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинди.

КАДРЛАР ЎҚУВИ

Партия ва совет кадрларини қайта тайёрлаш республикаларо курсларидаги янги ўқув потогида машғулотлар бошланди. Тошкент олий партия мактаби базасида ишлаб турган бу курсларда Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон республикаларидаги қишлоқ, район ижроия комитетларининг раислари, область ижроия комитетлари ташкилий-оммавий ишлар бўлимларининг инструкторлари ва бошқа совет ходимлари ўқишга киришдилар.

Бир ойга мўлжалланган машғулотлар программасида марксча-ленинча назария ва КПСС сиёсатининг актуал масалалари, социалистик экономикани илмий бошқариш асослари, партия ва совет қурилиши, халқ хўжалигига раҳбарлик практикаси масалалари юзасидан лекциялар ўқиш кўзда тутилган, таниклі олимлар, раҳбар партия ва совет ходимлари лекция ўқийдилар.

Машғулотларнинг биринчи кунида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров тингловчилар ҳузурида лекция ўқиди.

(ЎзТАГ).

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ— МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ касаба союзлари марказий Совети, ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Саноат, қурилиш ва транспорт ходимларининг 1973 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида»ги қарори барча совет кишилари қатори корхонамиз колективининг меҳнатда янги-янги ютуқларни қўлга киритишга илҳомлантириб юборди.

Кам меҳнат ва маблағ сарфлаб қўпроқ, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш коллективимиз фаолиятининг асосий шиори бўлиб қолади. Ишчи ва хизматчиларимиз корхона экономикасини юксалтиришнинг ҳал қилувчи омили бўлган меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш, мавжуд асбоб-ускуналар қувватидан унумли фойдаланиш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишга бундан буён ҳам алоҳида эътибор беришга қарор қилдилар.

Чунки, давлат планлари ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларимизнинг муваффақиятли бажарилишида, маҳсулот сифатининг яхшиланиши ва таннархининг камайишида ана шундай тадбирлар катта роль ўйнамоқда. Қўлимиздан чиқаётган кабель маҳсулотларининг техник даражаси муттасил ортиб бормоқда.

Корхонамизда илмий-техника тараққиётини планлаштиришга одатланилди. Бу бизда коллективнинг техника ва социал ривожланиш ягона комплекс плани асосида амалга оширилмоқда. Бундай план бутун коллектив эътиборини муҳим вазифаларни ҳал қилишга марказлаштириш, маблағларни сарфлашни планлаштириш, комплекс планни жорий қилишдан кўриладиган иқтисодий самарани олдиндан билиш имконини беради.

Коллективимиз 1968 йилдан бери шундай план бўйича ишламоқда. Агар 1968 йилгача белгиланган турли-туман ташкилий-техникавий тадбирларнинг 50—60 процента амалга оширилган бўлса, комплекс план тузилгандан сўнг бу кўрсаткич 95—98 процентга етди. Тўғри, ажойиб планлар тузиш, яхши тадбирлар белгиланиши мумкин. Аммо уларнинг амалга оширилиши устидан қатъий назорат ўрнатилмаса қоғозда қолиб кетаверади. Бундан ҳеч қандай наф кўрилмайди.

Шуни ҳисобга олиб, корхонада комплекс план тадбирларининг бажарилабориши устидан узлуксиз назорат олиб бориш системаси ишлаб чиқилди ва жорий қилинди. Ҳар бир тадбирнинг амалга оширилиши учун масъулиятли шахслар белгиланган, уларни бажариш муддатлари кўрсатилган.

Кабель ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, бундай маҳсулотлар тайёрлаш учун жуда кўп материаллар сарфланади. Турли кабель буюмлари таннархида материаллар қиймати 80—85 процентни ташкил этади. Шунинг учун ҳам материалларни тежаб-тергаб сарфлаш биз учун жуда муҳим масаладир. Бу проблемалар биринчи навбатда узоқ муддат фойдаланиш учун ярокли бўлган янги конструкциядаги кабеллар яратиш, айни вақтда уларни ишлаб чиқариш учун меҳнат ва материал сарфиётини камайтириш асосида ҳал қилинмоқда.

Сўнгги йилларда шаҳар телефон кабелларининг биройўла тўрт симини биргаликда ўраш конструкцияси ишлаб чиқилди. Бу ҳар йили 6 миллион сўмга яқин иқтисодий самара бермоқда. Жуда чуқурликдаги нефть запасларини қидириб топиш учун ишлатиладиган пластмасса изоляцияли ва қобиқли кабелнинг яратилиши бундай маҳсулот тайёрлаш учун меҳнат сарфиётини икки баравар камайтириш, кабелларнинг ишлаш муддатини бир ярим баравар ошириш имконини бермоқда. **Геофизик ишлари олиб бориш учун кўш зирхли кабелларнинг қатор конструкциялари ишлаб чиқилди. Бу ҳар йили мамлакат халқ хўжалигига 1,5 миллион сўмга яқин фойда келтирмоқда.** Шунингдек, нефть насослари учун кабел-арқонларнинг конструкциялари ишлаб чиқилди. Бронкабелининг битум ва мазут ўрнига пластмассалардан фойдаланиб тайёрланадиган конструкциялари яратилди. Бу соҳада жуда кўп бошқа янгиликлар ҳам яратилди.

Материаллар ва хом ашёни сарфлаш устидан назоратни кучайтириш борасида анчагина ишлар амалга оширилди. Бу фақатгина ўтган йилнинг тўққиз ойида 1 миллион 526 минг сўмлик турли хил материалларни тежаб қолиш имконини берди.

Корхонада ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, асбоб-ускуналарни модернизациялаш, эскириб қолган машина-механизмларни янгилари билан алмаштиришга катта эътибор берилмоқда. Тўққизинчи беш йилликнинг ўтган 21 ойи мобайнида 120 та янги унумли асбоб-ускуналар ўрнатилди. 60-таси модернизация қилинди. Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш юзасидан 400 дан ортиқроқ тадбирлар амалга оширилди. Буларнинг ҳаммаси 1972 йилда асбоб-ускуналардан фойдаланиш коэффициентини саккизинчи беш йилликнинг охирги йилидагига нисбатан 8,3 процент ошириш имконини берди. Ҳозир асосий технологик жараёнда меҳнатнинг механизация даражаси 82 процентдан ошиқроқни ташкил этиб турибди.

Корхонамизда шаҳар телефонлари, сигнал-блокировка ва контроль кабелларининг симларини ишлаб чиқариш бўйича 15 та автоматлашган поток линияси ишлаб турибди. Мис ғўлаларини тўхтовсиз қўйиш ва прокат қилиш линиясининг жорий қилиниши мис ғўлаларини пайванд қилишдаги оғир қўл меҳнатини ва бошқа сермеҳнат операцияларни бартараф этиш имконини берди. Айни вақтда ишлаб чиқариш маданияти ошди, меҳнат сарфиёти эса камайди.

Бу линиянинг маҳсулоти СССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида ташкил этилган халқаро «Электро-72» виставкасида намойиш қилинди. Турли чет эл фирмалари мутахассислари уни жаҳондаги энг яхши қурилмалардан бири деб тан олдилар.

Техникани тараққий эттириш муваффақиятлари кўп жиҳатдан илмий-техника информациясига ҳам боғлиқдир. Аксарият корхоналарда бу масалага етарли эътибор берилмаяпти. Бу афсусланишга лойиқдир. Чунки, илмий-техника информациясининг яхши йўлга қўйилиши ажойиб самаралар беришини ўз фаолиятимизда, яққол сезиб турибмиз. Бизда информация кунлари муттасил ўтказилади. Бундай кунларда техник адабиётлар обзор қилинади, завод ходимларининг мамлакатимиз турдош корхоналаридаги янгиликлар тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилади. Бу ўз навбатида ана шу янгиликларни, умуман кабель саноати техникасига оид прогрессив жараёнлар ва асбоб-ускуналарни тез ва соз жорий қилишга ёрдам бермоқда.

Техника тараққиётига ёрдам берадиган яна бир омил ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. У ҳам бўлса маҳсулотни чет элларга экспорт қилиш тўғрисидадир. Аввало шуни таъкидлаш керакки, маҳсулотни экспорт қилишнинг ўзи тайёрланаётган буюмлар техника даражасининг юксаклигини кўрсатади. Чет элларга юборилган маҳсулотлар эвазига олинган маблағнинг маълум қисми корхонага ажратма сифатида берилади ва шу чет эл пули билан хорижий мамлакатларда яратилган прогрессив асбоб-ускуналарни сотиб олиш мумкин бўлади.

Фақатгина ўтган йилнинг тўққиз ойида биз чет эл фирмалари билан 120 минг сўмлик асбоб-ускуналар етказиб бериш ҳақида контрактлар туздик. Ҳозир маҳсулотимизни жаҳоннинг 27 мамлакатига етказиб берямиз. Уни экспорт қилиш йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Техникани тараққий эттиришда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳам маълум роль ўйнайди. Маданий-маиший ва рўзғор эҳтиёжлари учун тайёрланган буюмларни реализация қилишдан олинган маблағнинг бир қисми янги асбоб-ускуналар сотиб олиш ва мавжуд технологик жараёнларни такомиллаштиришга сарфланади. 1971 йил ва ўтган йилнинг тўққиз ойида халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришдан тушган маблағнинг 250 минг сўмини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфладик. Шунинг учун ҳам иложи борича барча корхоналарда ана шундай товарлар тайёрлашни йўлга қўйиш даркор. Бундай маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун кўп маблағ сарфланмайди. Чунки хом ашё ва материал сифатида асосан ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланилади. Аммо унинг самараси жуда каттадир.

Техникани тараққий эттиришдан мақсад, ишлаб чиқаришнинг бошқа кўрсаткичлари қатори маҳсулот сифатини яхшилашдан иборатдир. Шунинг учун ҳам биз бу масалага жуда катта эътибор берямиз. Кабелларимизнинг техник даражасини ошириш ҳақида тинмай қайғурмоқдамиз. Ҳозир СССР Электротехника саноати министрлиги системасида буюмларнинг сифатини яхшилаш ҳам планлаштирилмоқда. Сифатнинг даражаси тармоқ аттестация йўли билан белгиланяпти. Энг яхши жаҳон намуналари даражасида бўлган буюмларга юксак сифат категорияси берилмоқда. **Ҳозир заводимизда тайёрланаётган барча маҳсулот аттестация қилинган. Унинг 21 процентга яқини энг юқори сифат категориясига эгадир. Қолган маҳсулотлар эса ўртача жаҳон техника даражасига мувофиқ бўлгани учун биринчи категорияли сифат бўйича аттестация қилинган.** Ҳозир тўрт хил маркадаги кабель давлат «Сифат белгиси» аттестациясидан ўтказишга тайёрланмоқда.

Коллективимиз қўлидан чиқаётган буюмларнинг юксак техник даражада эканлиги, кабель тайёрлашда илғор технологиядан фойдаланаётганлиги чет элларда ҳам катта қизиқиш туғдирмоқда. **Шу сабабли корхонамизга жуда кўп чет эл фирмаларининг вакиллари ташриф буюришяпти. Фақатгина ўтган йили АҚШ, Франция, Австрия, Швеция, Дания, Италия ва бошқа қатор мамлакатларнинг ўндан ортиқ фирмалари вакиллари корхонамиз ишлаб чиқариши билан танишдилар.**

Техника тараққиётини янада жадаллаштириш ишлаб чиқаришни бошқаришнинг замонавий усулларини жорий этишни тақозо этади. Шуни ҳисобга олиб заводда «Минск-32» электрон ҳисоблаш машинаси монтаж қилинди, ҳисоблаш маркази ташкил этилди. Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг автоматлашган системаси ишлаб чиқилмоқда ва жорий қилинмоқда.

Техниканинг тинмай тараққий этаётганлиги давлат планларининг бажарилишига, ишлаб чиқариш ҳажми, олинаётган фойданинг кўпайишига, энг асосийси, меҳнат унумдорлигининг ортишига жуда катта ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўтган йилнинг тўққиз ойида саккизинчи беш йиллик сўнгги йилининг шу давридагига нисбатан маҳсулот реализация ҳажми 11 процент, фойда олиш 28 процент, меҳнат унумдорлиги 17,8 процент ортди.

Биз бундан буён ҳам техникани тараққий эттиришга катта эътибор берамиз. **Шу мақсадда корхонани техник жиҳатидан қайта ускуналаш ва ривожлантиришнинг 1975 йилгача бўлган плани амалга оширилмоқда.** Завод техник жиҳатдан анча мураккаб бўлган кабель маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлидан ривожланиб боради. Бу юксак малакали ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар, шунингдек лозим бўлган технологик асбоб-ускуналарнинг борлигига асосланади.

Шуни очиқ эътироф этиш керакки, ҳали коллективимиз фаолиятида кўпгина камчиликлар ҳам бор. Фойдаланилмаётган резервлар анча. Айниқса, ёрдамчи ишларнинг механизация даражаси паст. Биз бундан буён ана шу камчиликларни бартараф этиб борамиз.

Кабелчиларимиз тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар. Давлат планини муддатидан илгари бажариш, фаолиятимизнинг барча техник иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш ниятидамиз. Бунга эришиш учун аввало техникани тараққий эттиришга катта эътибор берамиз. Чунки, техника тараққиёти муваффақиятлар гарови эканлигини ҳеч вақт унутмаймиз.

А. ПОВЕЛИЧЕНКО,
Тошкент кабель заводининг бош инженери.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

ТОШКЕНТ трикотаж фирмаси Ўзбекистондаги энг йирик енгил саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Ушбу суратда корхона участкаларидан бири тасвирланган.

Д. Рўзиметов фотоси.

✤

ТОШКЕНТДАГИ 3-нон заводи филиалининг уста нонвойлари халқимизга кўплаб мазали, сўлқилдоқ нонлар етказиб беришда намуна кўрсатмоқдалар. Суратда: патир нон цехининг бошлиғи Сотиболди Еқубжонов ва илғор нонвой Ҳамид Содиқовлар янгигина тандирдан чиққан нонинг сифатини кўздан кечирмоқдалар.

В. Клепко фотоси.

КЕНГ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ КЎПАЯДИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг бешинчиликнинг учинчи, ҳал қилувчи йили план топшириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани кучайтириш, бошқа саноат маҳсулотлари қатори кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эришиш учун аввало техникани тараққий эттиришга катта эътибор берамиз. Чунки, техника тараққиёти муваффақиятлар гарови эканлигини ҳеч вақт унутмаймиз.

А. ПОВЕЛИЧЕНКО,
Тошкент кабель заводининг бош инженери.



ТУҚҚИЗИНЧИ беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида ҳам Чирчиқ трансформатор заводининг иноқ коллективи қудратли трансформаторларни кўплаб ишлаб чиқармоқда. Суратда: заводнинг илғор слесари Жўрабек Рустамов янги агрегат йиғмоқда.

И. Глауберзон ва И. Сироткин фотоси.

НАМУНАЛИ МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТАЙЛИК

(ОБЛАСТЬ МАИШИЙ-ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ХОДИМЛАРИ АКТИВИ)

Яқинда область маиший хизмат кўрсатиш ходимларининг актив йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва район маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг раҳбарлари, хизматчилар, қишлоқ ва посёлка Советларининг вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда область маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг бошлиғи У. Р. Бузруков «Область маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг 1972 йилдаги иш якунлари ва 1973 йил вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Кейинги йиллар ичида областимизда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш-даражаси бирмунча ошди. Кўпгина шаҳар ва районларда янги типдаги маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари, колхоз ва совхозларда павильонлар, пунктлар ишга туширилди. Аҳолининг турмуш даражаси тобора юксалиб борган сари унинг маиший хизмат турларига бўлган эҳтиёжи ҳам ортмоқда. Бу эса жойларда конкрет шароитни ҳисобга олган ҳолда иш юритишни тақозо этади. Ана шу талабларга риоя қилган область маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг ходимлари ўтган йили қатор ютуқларни қўлга киритдилар. Йиллик план муддатидан илгари 27 декабрда бажарилди. Аҳолига 15 миллион сўмликдан кўп ёки 1971 йилдагига нисбатан 2 миллион сўмликдан зиёд хизмат кўрсатилди. Аҳоли жон бошига кўрсатиладиган хизмат даражаси ҳам ортди. Агар беш йилликнинг биринчи йилида бу кўрсаткич 8 сўм 71 тийинни ташкил этган бўлса, ўтган йили 9 сўм 77 тийинга етди.

Сўнгги йилда, айниқса кир ювиш, трикотаж буюмлари тўқиш, пойафзал, радио ва телевизорларни ремонт қилиш бўйича аҳолига хизмат кўрсатиш яхшиланди. Ўтган йилнинг ўзида 85, шу жумладан қишлоқда 59 устахона очилганлиги қувончли ҳолдир. Пилига 510 минг сўмлик самара бериш қувватига эга бўлган тўртта икки қаватли маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари фойдаланишга топширилди. Бундай корхоналар тармоқларини кенгайтиришда маҳаллий Советлар, колхоз ва совхоз раҳбарлари яқиндан ёрдам бердилар. Корхона ва павильонлар қуриш учун майдон ажратишда Ангрен, Чирчиқ, Олмалиқ шаҳарлари, Ўрта Чирчиқ, Бўка, Янгийўл, Оржоникидзе районларининг раҳбарлари катта ёрдам кўрсатдилар. Маиший хизмат корхоналари қўламининг кенгайиши ҳисобига 1972 йилда хизматнинг 18 янги тури ўзлаштирилди. Бўстонлиқ, Калинин районлари, Чирчиқ шаҳрининг маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари коллективлари йил давомида уюшқоқлик билан хизмат қилдилар. Бу корхоналарда илғор технологияни кенг жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, резервлардан самарали фойдаланиш, кадрлар составини яхшилаш, айниқса ёшларни тарбиялашга катта эътибор берилди. Ҳар ойда ва кварталда социалистик мусобақа якунлари мунтазам чиқарилиб борилди. Илғорларни моддий ва маънавий рағбатлантириш яхши йўлга қўйилди. Натижада Калинин район маиший хизмат кўрсатиш комбинати область партия комитети, область ижроия комитети, касаба союзлари область Советининг ёрдиги билан тақдирланди. Чирчиқ маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси эса касаба союзлари республика Советининг фахрий китобига ёзилди. Бу комбинатларнинг ўнлаб хизматчилари турли дипломлар, ёрлиқлар ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Вақти-вақти билан маиший хизмат турлари бўйича район, шаҳар, область, республика кўриклари ўтказиб турилганлиги ҳам ишчилар масъулияти ва малакасини оширишга, ўз касбига меҳр уйғотиш ва активликни кучайтиришга катта ёрдам берди. Бундай кўрикларда Янгийўл район маиший хизмат кўрсатиш комбинати, «Гўзал» бирлашмаси ходимлари кўп марта ғолиб чиқдилар. Бундай ташкилий ва тарбиявий ишлар область маиший хизмат ходимларининг республикада биринчиликни қўлга киритишларига имкон берди.

Лекин қўлга киритилган бу ютуқлар область маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ҳар жабҳада намунали ишладилар деган хулосага олиб келмайди. Маиший хизмат ходимлари орасида аҳолига қўпол муносабатда бўлиш, сўлинган буюртмаларни вақтида бажармаслик, корхоналарда техникадан унумли фойдаланмаслик, асоссиз равишда аҳолига кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини камайтириб юбориш ҳоллари учраб турмоқда. Бундай аҳволни Бекобод, район маиший хизмат кўрсатиш комбинатида кўриш мумкин. Бўка районининг қатор хўжаликларида эса маиший хизмат пунктлари ташкил этилмаган. Районда аҳолига кўрсатилаётган хизмат даражаси паст. Ўрта Чирчиқ, Бўстонлиқ районларида эса кўпгина маиший хизмат павильонлари қоронги, паст хужраларга жойлашган.

Айрим маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида аҳолига намунали маиший хизмат кўрсатиш учун эмас, балки қай йўсинда бўлмасин планни бажариш учун қурилмоқда «Стройрембит», «Зангори экран», «Техсложбитприбор» область махсус бирлашмаларида шундай ҳолни кўздан кечириш мумкин. Бу бирлашмаларнинг сайёр пунктлари белгиланган график асосида ишламайди. Аҳоли оддий хизмат учун ҳам шаҳар ва районлар марказига қатнашга мажбур бўлмоқда.

Шундай ҳоллар ҳам мавжудки, маиший хизмат ходимлари қишлоқ аҳолиси учун тайёрланган буюмларни ўзбошимчалик билан истаган жойларида сотмоқдалар. Масалан Ўрта Чирчиқ район маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг қабул пункти колхоз ва совхозларга чиқиш ўрнига уларга аталган маҳсулотни Олмалиқ шаҳрига олиб бориб сотган. «Гўзал» бирлашмаси ходимлари эса қишлоқ меҳнаткашларига эмас, Тошкент бозорларида маҳсулот сотишни афзал кўрганлар.

Бу йил область маиший хизмат кўрсатиш корхоналари алоҳида масъулият ва ғайрат билан меҳнат қиладилар, —дейди докладчи.— Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш даражаси ўтган йилдагига қараганда шаҳарда 13,5, қишлоқда эса 15,3 процентга ортади. Айниқса хизматнинг кийимларни химиявий йўл билан тозалаш, пойафзал ремонти, турар жой ремонти , автомототехника ремонти турлари кўпаяди. Кадрлар составини яхшилаш, қишлоқ жойларида ёшларни маиший хизмат корхоналарига жалб қилиш, маиший хизматда юксак маданийликка эришишга эътибор кучайтирилади. Колхоз ва совхозларда кўплаб устахоналар, қабул пунктлари ишга тушади. Маиший хизмат корхоналарида янги технологиядан фойдаланиш ишларини йўлга қўйилади. Ёш кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор берилади.

Доклад юзасидан сўзга чиқан ўртоқлар ўз нутқларида ўтган йилги ютуқ ва камчиликлар тўғрисида ва бешинчиликнинг учинчи йилги режалари ҳақида тўхталиб ўтдилар. Йиғилиш қатнашчилари область маиший хизмат кўрсатиш ходимларига қарата мажбурият қабул қилдилар.

Актив йиғилишида республика маиший хизмат кўрсатиш министри ўртоқ А. И. Бродова ва область ижроия комитетининг раиси С. Асомов ўртоқлар иштирок этдилар ва нутқ сўзладилар.

С. ҲАСАНОВ.

Каноп фабрикасининг ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимлари юксак марраларни кўзлаб ишлашяпти. Меҳнатсевар коллектив йиллик маҳсулот реализация қилиш планини 25 декабрга бажаришга ҳамда қўшимча равишда 300 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга сўз берди. Хомашёдан тежаб-тергаб фойдаланиш эвазига қўшимча бир неча ўн минг сўмлик маҳсулот олинади. Ана шу юксак мажбуриятни муваффақиятли уддалаш учун ҳозирда социалистик мусобақа қизитиб юборилди. 1974 йил ҳисобига меҳнат қилаётган Антонина Личагина, Анастасия Петрова, Нина Пушкарева ва Назира Ҳалимова каби ишчилар мусобақа иштирокчиларининг олдинги сафида бориб, ҳамкасбларига ўрнак бўлишяпти. Улар смена нормасини 120—130 процентдан бажариб, аъло сифатли маҳсулот тайёрлашга эришяпти.

Ш. ШОАЛИМОВ.

САДОҚАТ

ЧОРВАЧИЛИҚ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ МЎЛ-КЎЛЛИГИ УЧУН

Чорвачилик ҳозир жаговар соҳа. Ҳамманинг диққат-эътибори шунга қаратилган.

Илгари баъзилар чорвачилик хўжаликка фойда келтирмайди, кони зарар, деган фикрда юриб, шундай аҳволга кўникиб ҳам қолишган эди. Энди бу хилдаги гаплар ношудлардан чиққанлиги аниқ бўлиб қолди. Ҳозир чорвачилик фойда келтирадиган соҳага айланган хўжаликлар сони тобора кўпайиб боряпти. Бунга чорвачилик ишига етарли диққат-эътибор берила бошлаганлиги натижасида эришляпти. Ана шундай хўжаликлардан бири Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхозидир.

Ҳар қандай ишга эътибор берилса, шу соҳада ишловчи кишиларга ғамхўрлик қилинса, улар муъжизалар яратиши, ўзларига билдирилган ишончни оқлаш учун ғайрат билан ташаббус кўрсатиб ишлашлари мумкин экан. «Маданият» колхозида худди шундай бўлди; чорвадорлар бултур одатдан ташқари кўп маҳсулот етиштиришга эришдилар, чорва туёғини пландагидан анча кўпайтирдилар. Колхозда план бўйича 730 бош қорамол бўлиши лозим эди, ҳозир 767 бошга етди. Шу жумладан, 270 ўрнига 275 бош соғин сигир бор. Бузоқ, қулун, қўзи олиш планлари ҳам тўла ва ошириб адо этилди. Чорва маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш соҳасидаги ишлар ҳам диққатга сазовор. Масалан, 65 ўрнига 66 тонна гўшт ишлаб чиқарилди. Давлатга 440 ўрнига 468 тонна сут сотилди.

Бунда Тилла Расулова, Зўра Шерматова сингари сигир соғувчиларнинг, Карим Раҳмонов, Ғани Набиев, Ҳамидилла Собиров сингари молбоқарларнинг ҳиссалари катта. Шулар сингари фермада ишлаётган оддий, камтар, меҳнатсевар кишилар колхоз чорвачилигини ривожлантирмоқдалар.

Сут соғувчи Тилла Расулова қарамоғида 25 бош сигир бор. У йил давомида ҳар сигирдан 2200 литрдан, жами 55 тонна сут соғиб олиши лозим эди. Лекин у ҳар сигирдан 2500 литрдан анча ошиқ жаъми 62,5 тонна сут соғиб олди. Бу йиллик пландан 7,5 тонна кўпдир. Зўра Шерматова ҳам дугонаси сингари йиллик планини 11 ойда ошиғи билан бажарди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг қишловни намунали ўтказишда, чорва маҳсулотини кўпайтиришда чорвадорларнинг умумиттифоқ мусобақасини кучайтиришга қаратилган қароридан руҳланган колхоз чорвадорлари янги куч, янги ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Шу муносабат билан улар декабрь ойида яна 62 тонна сут ишлаб чиқариб, шундан 56 тоннасини давлатга сотдилар.

Чорва қишловига ҳам яхши тайёрлик билан келдилар. План бўйича 900 ўрнига 1200 тонна дағал хашак, 660 ўрнига 750 тонна сенаж ва 2000 тонна силос тайёрланди.

— Чорвачилик хўжаликка фойда келтиряпти. Яқинда хомчўт қилиб кўрдик: бу йил чорвачиликдан 80 минг сўм соф фойда олишимиз лозим,— дейди колхоз партия ташкилотининг секретари Ғулом Раҳимов.

— Бу фойда нималар ҳисобига кўпайтирилянти?

Колхоз раиси Аҳмаджон Мадраҳимов тушунтира бошлади.

— Аввало, ем-хашак ўзимизда етиштирилади. Зотли ола-қора сигирларимиз бор. Шулар орасида камсут бўлиб қолган қари сигирлар ҳам бор эди. Бултур 55 бош зотли ғунажин сигир қаторига ўтди. Кам сут берадиган сигирлар гўштга топширилди. Бир сўз билан айтганда, сигирлар зоти сараланди. Соғин сигирларнинг ҳар бирига аввал бир кунда бир ярим килограммдан концентрат берилган бўлса бултурдан бошлаб 2,5 килограммдан берилянти.

Гапга ферма мудири Ғулом Азимов аралашди:

— Бизда сутнинг бунчалик кескин кўпайишига сигирларни ўз вақтида соғиб олиш яхши йўлга қўйилганлигин ёрдам берди, чунки сигир ҳар куни белгиланган вақтидан олдин ёки кейин соғилса, сутини камайтириб юборади. Шунинг учун биз фермадаги сигир соғувчилар, молбоқарлар ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамладик. Ҳар ишни ўз вақтида бажарилишига эришяпмиз.

Кўриниб турибдики, чорвачилик ривожланяпти, гўшт, сут тобора кўпроқ ишлаб чиқарилянти, давлатга пландан ортиқ кўплаб маҳсулот сотиляпти. Чорвадорлар бу ютуқлар билан қаноатланиб қолганлари йўқ. Улар чорвадорларнинг Умумиттифоқ мусобақасига қўшилиб, янги марраларни эгаллаш учун интилмоқдалар. Яқинда чорвачилик бўйича 1973 йилга мўлжалланган тадбирлар ишлаб чиқилди. Ундаги асосий кўрсаткичлар бултургидан анча кўп қилиб белгиланган. Чунончи, бултур 275 сигир соғилган бўлса, бу йил соғин сигирлар сони 300 бошга етказилади. Гўшт етиштириш 1972 йилга нисбатан 13 тонна, гўшт сотиш 11 тонна кўпайиши керак. Сут бултургига нисбатан 170 тонна, давлатга сотиладигани 152 тонна кўпайиши зарур.

Гўштга топшириладиган моллари яхши семиртириб боқишга ҳам алоҳида эътибор берилади. Бу колхозга ҳам, давлатга ҳам фойдалидир. Колхоз чорвадорлари гўштга топширилган ҳар бош молнинг тирик вазнини бултур 402 килограммга етказдилар, бу йилда 410 килограммга етказилиши зарур. Социалистик мажбурият шундай ёзилган.

Колхоз чорвадорлари ҳозир шу ниятда астойдил меҳнат қилмоқдалар. Бунинг учун биринчи навбатда сигирлар сонини 300 бошга етказиб, ремонтга қўйилган зотли бузоқларни сигирлар қаторига ўтказиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

УСТА

Уйсозлар шаҳарчаси эрта тонгданоқ одамлар билан гажжумлашиб кетади. Салобатли савдо маркази эшиклари кенг очилади, одамлар ишга, ўқишга шошилишади.

Шаҳарчанинг марказий «Строительная» кўчаси бўйлаб ўрта бўй, буғдой ранг киши келяпти. У Мухтор ака Раҳмоновдир. Ҳар қадамда атрофга суқланиб назар ташлайди. Гўё теваракдаги бежирим биноларни биринчи бор кўраётгандек меҳр билан боқиб, мамнун жилмайиб қўяди. Қалби ғурур ва ифтихор туйғуларига тўлиқлиги унинг юз-кўзларидан шундоқина сезилиб турибди.

Ўтган-кетган унга таъзим билан салом беради. Турли ёшдаги йўловчилар Мухтор акани 12 йилдан бери билишади.

«Нақадар хушфеъл, боодоб одамларимиз бор, — кўнглидан ўтказади у. — Атрофдаги салобатли биноларни-у, кафтдек текис, равон йўлларни-чи. Бундан ўн-йигирма йил илгари бормиди, улар? Танти давлатимиз бўлмаганда, иқлиб бўлмаганда булар қаёқда эди?! Балли, Совет ҳукуматига ҳам, меҳнаткаш халқимизга ҳам...».

Мухтор ака ана шундай ўй, хаёллар оғушида завод дарвозаси сари яқинлашаркан, корхона директорининг ўринбосари Асқар Ҳошимовга кўзи тушди.

— Бу дейман, эрталабдан шоирларга ўхшаб хаёл суриб келаяпсиз, Мухтор ака? — ҳазиллашди Ҳошимов, у билан самимий кўришаркан.

— Ҳа, энди шундай дориламон замонда яшасак, сиздек раҳбарларимиз илҳом паристи бўлиб қутиб турмаса, шоир бўлмай, иложимиз қанча? — ҳазилга ҳазил билан жавоб қилди, Мухтор ака.

Икковлон гурунглашиб дарвозадан завод ҳовлисига кириб кетишди...

Корхонадагилардан, айниқса, арматура цехидагилардан Мухтор ака ҳақида қисқача гапириб беришни сўрасангиз, уларнинг ҳаммаси бир овоздан, «Ўзимизнинг Раҳмоновни айтаяпсизми, у ажойиб одам, камтарин меҳнат кишиси» дейишади. Бунинг боиси бор, албатта.

Мухтор ака эсини таниб, меҳнат қилади, одамлар билан бирга қадам ташлайди. У деҳқон эди, Қишлоғи шаҳарга қўшилгач, ишчилар сафига кирди.

Мухтор аканинг Тошкент ўйсозлик комбинати 1-ярим панелли заводининг арматура цехига келиб Пётр Чураевскийдан илк марта кавшарлашни ўргана бошлаганига ҳозир 12 йил бўлди. Ўша пайтда шогирд бўлган одам энди ўз билими ва тажрибаларини ўринбосар ёшларга ўргатмоқда.

— Аввалларида арматура иши, пайвандчиликни у қадар қийин иш бўлмаса керак деб ўйлардим, — дейди устанинг шогирдларидан бири Эргаш Маҳмудов. — Йўқ, кейин билсам арматурачиликнинг ҳам ўзига хос мураккаб томонлари бор экан. Бу касбнинг бутун ички-чикири, сир-асрорини устозим Мухтор акамлар менга эринмай ўргатдилар. Улардан беҳад хурсандман. Мендан бошқа, Мирсаид Раҳимов, Асқар Эргашев, Ильсур Муртазин сингари кўпгина тенгдошларим борки, улар ҳам биринчи сабоқни Мухтор акадан олишган. Бу дўстларимнинг айримлари ўрта махсус ўқув юртини битириб, ҳозир бригадирлик қилишаётган бўлса, айримлари юқори маланали ишчиларднр.

Меҳнат қилган элда азиз, дейишади. Мухтор ака ҳам ўз ҳалол меҳнатидан элда қадр топяпти. У неча марта комбинат ва завод маъмуриятларининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган, номи қурилиш ишчилари ва бинокорлик материаллари саноати республика касаба союз комитетининг шон-шуҳрат китобига ёзилган. Кўксида эса «Шавкатли меҳнати учун» медали порлаб турибди.

М. ТУРОБОВ.

МОҲИР ШИФОКОРЛАР

Пойтахтнинг Киров районида жойлашган бу поликлиниканинг хизмат кўрсатиш доираси йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Бу даргоҳ шифокорлари Отчопар, Усма Ширин, Карл Маркс, Кисловодск, Ботуми маҳаллалари аҳолиси сиҳат-саломатлигидан кўз-қулоқ бўлиб турибдилар. Аҳоли узоқ ва зич жойлашган манзилларида эса поликлиниканинг тўртта филиали бор. Заводларда эса медицина пунктлари мавжуд.

— Поликлиникамиз меҳнаткашларга намунали медицина хизмати кўрсатиш учун зарур бўлган ҳамма шарт-шароитлар яратилган, — дейди бош врач ўртоқ М. Азизов. — Бизда совет медицина фанининг ноёб ютуқлари билан мукаммал қуролланган рентген, физиотерапия, хирургия, электрокардиограмма, нервопотология, терапия, онкология кабинетлари ишлаб турибди.

Поликлиниканинг Киев кўчасида жойлашган филиалида бу йил янги лаборатория ҳамда рентген кабинетлари ишга туширилди. Бу билан Кисловодск ва Ботуми маҳаллаларида истиқомат қиладиган кишиларнинг манзили яқин, оғирлари енгил бўлди.

Участка врачларидан К. Содиқова, К. Носирова, Э. Пинхасова, Ғ. Рашидов, В. Кандаурова, Ғ. Мавлонов, ҳамширалардан Е. Иброҳимова, С. Асанова, К. Жўраева, М. Аҳмеджоновалар ўзларининг енгил қўл, ширинсуханлаклари билан аҳоли иззат-ҳурматини қозонишмоқда.

Поликлиника бош врачининг ўринбосари, малакали терапевт Абдуваҳоб Мирраҳимов шифокорлар ишидан характерли мисолларни айтиб берди. Поликлиника территориясида яшовчи аҳоли ўртасида ошқозон-ичак, юрак, бод билан оғрувчилар ҳам ўтган йилларга қараганда бирмунча камайиб қолганлиги қувончли ҳолдир.

Бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Бу ерда касалликларнинг олдини олиш тадбирлари, беморларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш, энг муҳими ҳар бир шифокорнинг маҳаллама-маҳалла, кўчама-кўча ҳамда уйма-уй юриб синчковлик билан иш олиб бораётганлиги муҳим роль ўйнади.

Маҳаллаларда, корхона ҳамда муассасаларнинг клубларида шифокорлар билан аҳолининг кенг иштирокида савол-жавоб кечалари бўлиб турибди. Абразив, Асбобсозлик заводларида, Кисловодск, Киев маҳаллаларида ўтказилган савол-жавоб кечалари мароқли бўлди.

— Донорлик ишларимиз ҳам чакки эмас, — дея қўшиб қўйди бош врач. — Дарҳақиқат, шундай экан. Поликлиника ихтиёрида донордар сони йил сайин ортиб бораяпти. Ҳозир бу ерда 350 ўрнига 423 донор рўйхатда турибди. Уларнинг ҳаммаси пулсиз беминат хизмат қилишади. Қизил кресті ва Қизил ярим ой жамиятининг шаҳар бўлими поликлиника хизматларини тақдирлаб, «Фахрий ёрлиқ» билан мукофотлади.

Поликлиника шифокорлари яқинда яна бир янгиликка қўл урдилар. Бу ерда меҳнатни илмий асосда ташкил қилувчи маҳсус янги кабинет ишга туширилди.

С.ҲИДОЯТОВ.

ЮБИЛЕЙ йилида Янгийўл районидаги Охунбобоев номли колхознинг бунёдкорлари бараканли ишладилар. Улар чўпонлар учун кўплаб турар-жой бинолари ва кутубхона қуриб фойдаланишга топширдилар. Бинокорлар айни кунларда боғча қурилишида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Суратда: илғор қурувчилардан Муҳаммадали Ҳайдаров ва Маҳкам Сайдалиев ўртоқлар.

Қ. Розиқов фотоси.
(ЎзТАГ).

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

Ҳинди-Хитой: озодлик ҳаракати кучларининг муваффақиятлари

КЮЭШОН ВОДИЙСИДАГИ ЖАНГЛАР ВАТАНПАРВАРЛАРНИНГ САЙГОН АТРОФИДАГИ ҲУЖУМЛАРИ АМЕРИКА-САЙГОН ҚЎМОНДОНЛИГИНИНГ ҲАРБИЙ ТАШАББУСНИ ЎЗ ҚЎЛИГА ОЛИШГА УРИНИШИ ПУЧГА ЧИКДИ АМЕРИКА АВИАЦИЯСИНИНГ ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ТЕРРИТОРИЯСИГА ЯНГИ ҲУЖУМЛАРИ

ПАРИЖ. (ТАСС). Америка-Сайгон қўшинлари Халқ Озодлик қуролли кучларининг кенг миқёсида ҳужум операциялари ўтказаётганидан ташвишга тушиб, эўр бериб ҳарбий ташаббусни ўз қўлига олишга ҳаракат қилмоқдалар. Аммо ватанпарвар кучлар душманнинг ҳужумларини муваффақият билан қайтариб, барча муҳим стратегик йўналишлар бўйича ҳужумни кенгайтирмоқдалар. Фақат ўтган 24 соат ичида ватанпарварлар Сайгон режими жангчилари позицияларига 61 марта ҳужум қилдилар.

Кейинги кунларда, айниқса, Кюэшон водийсида кучли жанглар бўлиб ўтди. Ватанпарварлар кучли артиллерия-ракета отишмаларидан сўнг душманга ҳужум қилиб, унинг пиёда қўшинлари ва техникасига сезиларли талофотлар етказдилар. Америка қўмондонлиги Сайгон қўшинларини қўллаб-қувватлаш мақсадида мазкур районга «В-52» стратегик бомбардимончи самолётларни, тактик авиацияни юбормоқда, шунингдек оғир артиллериядан фойдаланмоқда.

Сайгонга туташ районларда ҳам кучли жанглар давом этмоқда. Халқ озодлик қуролли кучлари жангчилари Бенкат шаҳри яқинида Жанубий Вьетнам марказидан 35 километр Шимолда жойлашган кўғирчоқ ҳукумат армияси позицияларини тўпга тутдилар. Душман катта талофотлар кўрмоқда.

Биньлонг вилоятида ҳам ҳарбий операциялар муваффақиятли давом эттирилмоқда. Ватанпарварлар бу ерда стратегик аҳамиятга эга бўлган биринчи сонли йўлнинг катта қисмини ҳам назорат қилиб турибдилар.

ПАРИЖ. (ТАСС). Американинг тактик ҳамда стратегик авиацияси Камбоджа ватанпарварлари жума куни қўлга киритган Пломпендан жанубишарқдан 70 километр масофада жойлашган Миконг дарёси қиргоғидаги районларни кучли бомбардимон қилмоқда. Камбоджанинг ватанпарвар кучлари мамлакат пойтахтига олиб борувчи мавжуд етти йўлнинг олтитасини ҳамон назорат қилиб турибдилар.

ХАНОЙ. (ТАСС). Шанба куни Американинг «Б-52» стратегик бомбардимончи самолётлари Хатинь вилояти территорияси ҳамда Виньлинь зонасини ёппасига бомбардимон қилдилар. Шу куни АҚШнинг тактик авиацияси Вьетнам Демократик Республикасининг 20-параллелдан жануброқда жойлашган қатор аҳоли зич яшайдиган районларига ҳаводан зарба бердилар. АҚШнинг ер-тинчи флоти кемалари Нгеан вилояти қирғоғида жойлашган аҳоли пунктларини ўққа тутди. Шунингдек, Хатинь ва Куангбинь вилоятлари қирғоқларидаги қишлоқлар ҳам ваҳшиёна ҳужумга дучор бўлди.

ХАНОЙ. (ТАСС). Умумжаҳон Тинчлик Совети делегацияси Ханойга келди. Делегацияга Умумжаҳон Тинчлик Советининг Бош секретари Ромеш Чандра бошчилик қилмоқда.

Делегация аъзолари Америка авиацияси томонидан 1972 йилнинг сўнгги икки ҳафтаси мобайнида вайрон этилган районларини бориб кўрдилар.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ПАРИЖ

Ҳинди-Хитой халқларининг тинчлиги ва мустақиллиги учун биргаликда курашаётган 52 та тараққийпарвар жамоат ташкилотлари Франция аҳолисига мурожаат этиб, 19 январда Вьетнам билан бирдамлик миллий кунини ўтказишни таклиф этди. Улар француз халқига қилган мурожаатида шу мақсадда оммавий чиқишлар ўтказиш зарурлигини таъкидладилар. Америка ҳукуматидан Вьетнамда тинчликни дарҳол қайта тиклашни талаб қилдилар.

ҒАРБИЙ БЕРЛИН

Декабрда ўтказилган жониворлар рўйхатига қараганда шаҳар ҳайвонот боғида 13.373 ҳар турли жониворлар мавжудлиги маълум бўлди. Демак, Ғарбий Берлин ҳайвонот боғи ўзи боқаётган жониворлар сони жиҳатидан Европада энг катта ҳайвонот боғига айланибди.

ДЕҲЛИДА Ҳиндистон Республикаси эълон қилинганлиги кунига катта тайёргарлик кўрилмоқда. Мамлакат меҳнаткашлари бу айёмни меҳнат зафарлари билан кутиб олиш ниятида меҳнат қилмоқдалар. Кўчалар, хиёбонлар байрам тусини оляпти. Суратда: пойтахт кўчаларининг бирида.

В. Кошевой фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

БИРДАМЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

ПАРИЖ, 15 январь. ТАСС мухбири **О. Карасев** хабар беради:

Франция-Вьетнам дўстлиги жамиятининг тўртинчи съезди 13—14 январда Парижда «Вьетнам билан бирдамликни мустаҳкамлайлик» деган шиор остида ўтди. Жамият бош секретари Ш. Фурньо ўзининг ҳисобот докладида жамиятнинг француз халқи билан вьетнам халқи ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган ишлари тўғрисида гапириб ўтди.

Вьетнам Демократик Республикасининг Франциядаги бош ваколатхонаси маслаҳатчиси Нгуен Таун Лиеу съездда сўзга чиқиб, Америка авиацияси бултур декабрь ойида Ханой ва Хайфонни бомбардимон қилганлигини кескин қоралади. АҚШ мана шундай бомбардимон қилишларни тўхтатиб, 1972 йил 18 декабргача бўлган мавжуд ҳолатга қайтгандан кейингина, деди у, Вьетнам Демократик Республикаси Америка вакиллари билан Парижда ёпиқ учрашувларни яна давом эттирадиган бўлди.

Жанубий Вьетнам Республикаси муваққат революцион ҳукумати делегациясининг вакили Ли Ван Сау съездда гапириб айтдики, АҚШ бултур, декабрь ойида келишиб олинган битимни имзолашдан бош тортиб, ўз мажбуриятларини бузганлигини унутмаслик керак. шу сабабли ёпиқ музокараларда муайян равишда силжиш рўй берганлигига қарамай хушёрликни йўқотмаслик зарур.

Съезд қатнашчилари Вьетнам халқига дўстлик мактубини қабул қилдилар. Шунингдек съездда резолюция ҳам қабул қилинди. Париждаги музокаралар, дейилади шу резолюцияда, икки томон ўртасида 1972 йилнинг октябрида келишиб олинган битим асосида Вьетнамдаги жангларни тўхтатишга ва тинчликни қайта тиклашга сиёб келиши лозим. АҚШ ишни орқага сураётганлигини ҳеч қандай сабаблар билан оқлаш мумкин эмас.

АМЕРИКАЛИКЛАРНИНГ НОРОЗИЛИГИ

ВАШИНГТОН, 15 январь (ТАСС). Америка конгрессида урушга қарши бўлган конгрессчилар Шарқи-Жанубий Осиёдаги агрессияни тўхтатишга ҳукуматни мажбур қилиш мақсадида унга таъсир ўтказишга интилмоқдалар. Бир қанча сенаторлар уруш чўзилиб кетаётганлигига қарши норозилик билдириш мақсадида ҳукуматдаги раҳбарлик лавозимларига Оқ Уй томонидан кўрсатилган номзодларни конгрессда тасдиқламасликка даъват қилдилар.

Сенатда қуролли кучлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиянинг аъзоси Т. Макинтайр ҳукумат томонидан ўтказилаётган «Уруш снёсати американликларнинг миллий қадр-қиммат хиссиётларини таҳқирлади ва бутун дунёда АҚШни шарманда қилди», деди. Бундай вазиятда, деди Т. Макинтайр, ҳукумат таклиф қилган номзодларни тасдиқлаш ҳукуматнинг ҳаракатларини «индамай маъқуллаш» билан тенг бўлур эди.

Сенаторлардан Х. Хьюз билан А. Крэнстон Макинтайрнинг бу фикрига қўшилиб, конгресс аъзоларини ҳукумат таклиф қилган номзодлар овозга қўйилганида уларни ўтказмаслик чорасини кўришга даъват қилдилар.

Сенатор Ф. Харт айтдики жамоатчилик вакилларининг бир группаси менинг ҳузуримга келиб, АҚШнинг Вьетнамда олиб бораётган урушига маблағ ажратишни қонун чиқариш йўли билан тўхтатиш кераклигини конгресс аъзоларига айтинг, дейишди. Уруш чўзилиб кетаётганлиги, Ханой ва Хайфон яқинда бомбардимон қилинганлиги, деди сенатор, «Америка халқини ларзага солиб қўйди».

Сенатор Ф. Черч, Вьетнам Демократик Республикаси территорияси бомбардимон қилинаётганлигини американликларнинг катта кўпчилиги кескин равишда қоралаётганлигини айтиб, «Ақли рассолларнинг овозига қулоқ солиш керак», деди.

«Американликлар демократик ҳаракатлар тарафдори» деган жамоатчилик ташкилотининг баёнотида АҚШ ҳукумати урушни чўзиб юборяётганлиги сабабли «Ҳинди-Хитойдаги урушга маблағ ажратишни тўхтатиш АҚШ конгрессининг энг биринчи навбатдаги вазифаси бўлиши керак», деб уқтириб ўтилди.

ЛАОС ватанпарвар кучлари душман позицияларига зарба беришни давом эттирмоқдалар. Сиз суратда Лаос халқ озодлик кучлари бўлинмасининг жанговар топшириқни бажариш учун жўнаб кетиш олдидаги ҳолатини кўриб турибсиз.

ВИА—ТАСС фотоси.

ГЎШТ ФАБРИКАЛАРИ ҚУРИЛМОҚДА

Тошкент областининг Оҳангарон районида бузоқ боқиладиган ва семиртириладиган Ўзбекистонда биринчи чорвачилик комплекси қурилиши бошланди. Чорвачилик комплексига бузоқлар етти кунлигидаёқ келтирилади. Бу ерда улар вазни 450 килограммга етгунга қадар бир йилдан ортиқ вақт сақланади. Комплекс бир вақтда қарийб ўн минг бош бузоқни боқишга мўлжалланган. Чорвачилик комплекси йилига 3700 тонна мол гўшти етиштириб беради.

Комплекс составида 14 та бузоқхона ва молхона, ем-хашак ва қушхона цехлари бор. Хўжаликка ем-хашак етиштириш учун лалми ерлардан 1400 гектар майдон ажратиб берилди. Бу гўшт фабрикасининг қурилиши беш йилликнинг охиригача тугалланиши керак.

Бухоро ва Сирдарё областларида ҳам худди шундай чорвачилик комплекслари қуриш мўлжалланди.

(ЎзТАГ).

Янги шеърлар

ФАРЗАНД

Фарзанд кўрдим, севинчим
чексиз,
Меҳрим жўшиб боқаман
тўймай.
Атрофида тун-кун айланиб,
Аллалайман қўлимдан
қўймай.
Гиргиттони бўлиб эрта кеч,
Ғунча лабнинг, мунчоқ
кўзларнинг
Чарчаш, ҳориш борлигин
билмай,
Гадосиман ширин сўзларнинг.
Уқтирарди онам куюниб:
«Эҳтиёт эт, ўзни, болажон»,
Дейман: қўзим омон бўлса гар,
Омонлигим шудир, онажон.

ҚОР

Сочларимни ўпиб қор,
Юзларимни силайди,
Дилда кезиб навбаҳор
Неларнидир излайди.
Айтчи, менга кумуш қор,
Нималарни куйлайсан,
Рўё каби гул бўлиб
Дилгинамни ўртайсан.
Излаганинг балки у —
Ўша сулув гулбаҳор,
Жилоларинг мадҳига
Дилда қўшиқларим бор.

Фарида АБДУРАҲИМОВА.

ШОДЛИКЛАРИМ

Дастурхонда ушатилса нон,
Ё тандирдан узилса сомса.
Ё ун бўлиб тегирмонда дон,
Мўлчиликдан эл меҳри қонса
Шодликларим сиғмас дилимга
Кераклигим билиб элимга.
Отам кўзга суртса ушоқни,
Даврларда тортилса норин.
Даста даста ёлғи юқадан
Татиб онам ёзса хуморин,
Кенг жаҳонни тутар, шодлигим,
Деҳқон аҳли-асли зотлигим.
Кимса бўлмай парча нонга зор
Тўкин ҳаёт гаштини сурса.
Нондан доим уф уриб баҳор
Дастурхонда бўрсиллаб турса,
Куч-ғайратим жўш урар яна...
Шодликларим қилар тантана.

Зиёд КОМИЛОВ.

ҲАМЗА район Совети ижроия комитети ҳузурида ташкил этилган жамоатчи савдо комиссияси районда савдо маданиятини янада ошириш, аҳолига намунали хизмат кўрсатиш ишига яхши ҳисса қўшмоқда. Суратда (чапдан ўнга) — комиссия аъзоларидан И. Ургунцев, Р. Рўзиев, комиссия бошлиғи С. Фоменко ва В. Гришченко ўртоқлар навбатдаги рейд олдидан маслаҳатлашмоқдалар.

М. НУРИДДИНОВ фотоси.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ ЯНГИ ҚОИДАЛАРИ

1973 йилдан СССР территориясида янги йўл ҳаракати қоидалари амал қила бошлади. Янги қоиданинг вужудга келиши халқаро йўл ҳаракати қоидасига яқинлашиш, шунингдек, мамлакатимизда автомобиль транспортининг жадал ривожланиши билан изоҳланади. Тошкент мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин. Бугунги кунда Куйбишев шоссеси, Шота Руставели, Пушкин кўчаларида тез-тез транспорт «пробка»лари учраб турипти.

Янги қоида мана шу муаммоларни ҳал қилишда бирмунча ижобий аҳамиятга эга. Пиёдалар ва транспорт ҳайдовчилари учун ҳавфсизликни янада ошириш борасида кўпгина чоралар белгиланган. Шу билан бирга уларнинг йўлда ҳаракат қилишида эҳтиёткорлик ва масъулиятлари ҳам оширилган.

«Ҳайдовчи мажбуриятлари»да қоида мотоцикл ҳайдовчилари ва уларнинг пассажирларидан ҳаракат пайтида бошларига шлём кийиб юриши талаб этади. ГАИ ходимларига шикастланган транспорт воситаларини керакли жойга элтиб қўйиш учун юк автомобилларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилди. Медицина ходимларига ҳам беморлар ва жароҳатланганлар учун транспортдан фойдаланиш ҳуқуқи кенгайтирилди. Кишилар ҳаётини ҳавф остида қолдирадиган ҳодисаларда медицина ходимлари ёрдам кўрсатиш жойига бориш, ёки жароҳатланган кишини касалхонага элтиш учун фақатгина йўловчи машиналардангина эмас, балки бошқа барча транспортлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Уларда, зарур бўлган вазиятларда қўллаш учун махсус талон мавжуд.

Қоидада «Сирена» сигнали билан жиҳозланган, милиция ходимлари қўзатиб бораётган ва бошқа шу каби машиналарни тўхтовсиз ўтказиб юбориш юзасидан ҳайдовчилар масъулияти яна ҳам оширилган.

Пиёданинг масъулиятини ошириб, айни бир вақтда ҳайдовчилар учун бир қатор янги чегаралар белгиланди. Жумладан, 114-модда тартибга солинмайдиган чорраҳада ўнгга ёки чапга бурилаётган ҳайдовчидан ўша кўчани кесиб ўтаётган пиёдани ўтказиб юборишни талаб қилади. (Бу вазият 1-расмда кўрсатилган). Аввал бу қоида фақатгина тартибга солинадиган чорраҳада қўлланар эди. Шу мақсадда тартибга солинмайдиган пиёда ўтиш жойига яқинлашаётган ҳайдовчидан тезликни камайтириш ёки тўхташни талаб қиладиган 116-модда ҳам киритилди.

Тартибга солинадиган чорраҳалардаги йўл ҳодисаларини анализ қилиш шуни кўрсатдики, зиддиятлар кўпинча светофор сигналлари алмашаётган пайтда вужудга келади. Шуни эътиборга олиб, янги қоидага яккита қўшимча сигнал киритди: яшил рангнинг пирпираши ҳозир сариқ (ҳаракатни тақиқловчи) сигнал ёнишидан огоҳлантиради, қизил билан бир вақтда ёнадиган сариқ сигнал эса ҳозир бу йўналишда ҳаракат очилишини билдиради.

Янги қоида аҳоли яшайдиган жойларда товуш сигнали беришни тақиқлашни сақлаган ҳолда, йўл ҳодисаларининг олдини олиш учун ундан фойдаланишга рухсат беради. Лекин, пиёда ўтиш жойида бўлар-бўлмасга сигнал бериш қатъий ман қилинади.

Барча янги моддалар йўл ҳаракати интенсивлигини ошириш учун қаратилган. Ҳайдовчиларга зарур бўлмаган ҳолатда секин юриш ва кескин тормоз бериш тақиқланади. Шу билан бирга, шаҳар ичида ҳам катта тезликда юриш мумкин бўлган йўллар белгиланади. Тошкентда булар Халқлар дўстлиги, Максим Горький кўчалари, Тошкент областида эса Тошкент — Чиноз, Тошкент — Олмалиқ йўллари бўлиши мумкин. Бундай йўлларда ҳаракат тезлиги махсус белгилар билан кўрсатилади. Шу йўлларда орқага юриш, бурилиш, қайтиш рухсат этилмайди.

Шаҳар ичида ҳамда шаҳар ташқарисида чорраҳага етмасдан орқага қайтишга рухсат масофаси 15 метргача қисқаргал.

Қувиб ўтишни тақиқлайдиган 9 пункт ўрнига, қоидада 4 пункт қолдирилди. Бу хавфли қисмларда қувиб ўтишга муносабатни сусайтириш деган гап эмас. Шунчаки, маълум жойларда қувиб ўтиш хавфли бўлса, бу ҳаракат белгилар билан ман этилади.

Транспорт воситаларининг тўхташ ва туриш жойлари ҳам аниқ белгиланди. Масалан, чорраҳа чегарасидан нарида ёки берида тўхташ ва туришни тақиқлаш зонаси 20 дан 5 метргача қисқарди. Энди ҳайдовчи «тўхташ жойи» белгисидан 15 метр масофа берида туриши, шаҳар транспортига халақит бермайдиган шароитда автобус ёки троллейбус тўхташ жойларида ҳам тўхташи мумкин.

Чорраҳаларда ҳаракат қилиш, айниқса шаҳарда ҳайдовчилар учун жиддий қийинчиликлар туғдирарди. Янги қоида ҳайдовчиларнинг бу мушкулини бирмунча осонлаштиради. Эндиликда ҳар қандай тартибга солинмайдиган чорраҳага яқинлашаётган ҳайдовчини кесиб ўтиш характери ифодаланган йўл белгилари огоҳлантиради. Бу эса унга ўз ҳаракати ҳуқуқини аниқ ҳулосалашга ёрдамлашади. Бундай кўрсатмаларнинг учрамаслиги олдинги тенг ҳуқуқли йўллар кесиштганини билдиради. Бу нарса майдонни кесиб ўтадиган кўчаларга ҳам таллуқли. Бу ерда транспорт воситалари ҳаракатининг ягона принципи сақланган — ҳаракатда ўнг томонида бошқа транспорт воситаси бўлмаган ҳайдовчи устунликка эга. 2-расмда тенг ҳуқуқли йўллар чорраҳасида турли транспорт воситаларининг ўтиш ҳуқуқи белгиланган (навбат 1-3 рақамлари билан кўрсатилган).

Айланма ҳаракат белгисининг ўрнатилиши фақат айланма йўл бўйича ҳаракат қилишни кўрсатади. 3-расмда бири иккинчи даражали йўл бўлган жойда айланма йўлга кириш ҳаракатлари тартиби кўрсатилган.

Алоҳида шароитларда ҳаракат қилиш қоидаларига ҳам ўзгартиш киритилди. Қоида биринчи маротаба туманга қарши фараларни ўрнатиш тўғрисида аниқ кўрсатмалар беради ва машиналарга конструкцияси тақозо этмайдиган ҳолатда турли фараларни ўрнатишни тақиқлайди. Шатакка олишда ҳавфсизликни таъминлаш учун қоида кенгайтирилди. Эндиликда тормози ишламайдиган транспортни фақатгина унга икки баравардан ортиқ вазнга эга бўлган машина шатакка олиши мумкин. Бу, ЗИЛ-130 автомобили ҳар қандай енгил автомобилни тортиши мумкин, деган гап. Шунингдек, қаттиқ сцеп билан шатакка олинган транспорт воситасида кабинада ҳайдовчи бўлиши шарт эмас. Юмшоқ симда шатакка олинган машина учун тезлик соатига 30 километргача оширилди. Юк автомобилларида махсус ўт ўчирувчи восита бўлмаса, уларда одам ташиш рухсат этилмайди. Болаларни ташиётган транспортда бундан бўён олд ва орқасида махсус белгилар ўрнатилади. Шунингдек, эндиликда велосипед ҳамда арава ҳайдовчилар учун ҳам «ҳайдовчи» деган ном қўлланади. Демак, улар ҳаракат қоидаларини билишлари тўғрисидаги ҳужжатга эга бўлишлари керак.

Бундан буён, йўлда бошқариш органлари ишдан чиққан машиналар ҳаракати қатъиян тақиқланади. Ҳозиргача эса уларнинг гаражга қайтишига рухсат этиларди. Шунингдек, атмосферани ифлослантирмаслик учун ҳам қатъий контроль ўрнатилади.

Янги ГОСТ йўл белгиларига кўп янгиликлар киритди. Энди жами 124 та белги ва қўшимча жадвалчалар қўлланади. Шундан 24 белги ва 10 информация воситалари мутлақо янги. Огоҳлантирувчи белгилар ўрнатиш масофаси ўзгарди. Улар шаҳар ичида ҳавфли жойдан 50—100 метр берида, шаҳар ташқарисида эса 150 — 300 метр масофада қўйилади.

Лекин, бу зоналар рақамли жадваллар билан ўзгартирилиши мумкин. Огоҳлантирувчи ва тақиқловчи белгиларнинг ранги сариқ ва оқ бўлади. Белгилар размери ҳам турлича йўл категорияларига қараб кўпдалангига 550 дан 1200 миллиметргача. Кўпгина белгилар ўз аҳамиятини сақлаган ҳолда ташқи кўринишини ўзгартирди. Булар «Туриш тақиқланади», «Тўхташ тақиқланади», «Тўхтамасдан ўтиш тақиқланади» ва бошқа белгилар. Ташқи кўринишини сақлаган ҳолда янги талабларни тақозо этадиган белгилар ҳам бор. Масалан, «Енгил автомобиллар ҳаракати» белгиси остида мотоцикл ва автобуслар юриши мумкин, «Қувиб ўтиш тақиқланади» белгиси эса мотоцикл ва велосипедларни қувиб ўтишни ман қилмайди. Барча тўрт томонга қўйилган «Бош йўл йўналиши» белгиси ёрдамида ҳайдовчи ўзининг ҳаракатини аниқ белгилаб олади. (4-расм). Бош йўлдан келаётган транспорт кейинги ҳаракати қайси йўналишда бўлишдан қатъий назар, бошқа барча транспорт воситаларидан устунлик ҳуқуқига эга.

Ҳозир янги қоида амал қила бошлади. Лекин ташкилотлар, корхоналар ҳайдовчиларни ўқитиш ва ўргатишга тўла киришганларича йўқ. Мана шу «ўтиш даври»да ҳайдовчилар ҳатто янги қоида талабларига риоя қилаётган тақдирларида ҳам жуда эҳтиёт бўлишлари керак. Ҳозирча бизнинг тавсиямиз шундай: ҳаракатнинг ҳар бир қатнашчиси матбуот, радио ва телевидение орқали эълон қилинаётган янги Йўл кодекси материалларидан фойдаланишлари керак.

В. ДАЧЕВИЧ,
Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси Давлат автоинспекцияси бошлиғининг ўринбосари.

Ю. БРОДИЦКИЙ,
ГАИнинг штатсиз ходими.

ҲАЙДОВЧИ ВА ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА



Расм 4.



Расм 3.



Расм 2.



Расм 1.

Спорт

Дурангсиз ўйин

Бу йилги СССР футбол чемпионатининг ўтказилиш тартиби эълон қилинди.

Мамлакат чемпионати мусобақасига бир неча янгиликлар киритилмоқда. Бундан буён уларнинг дуранг онлан тугашига барҳам берилади. Команда ғалаба қилгани учун икки очко, енгилгани учун ноль очко олади. Агар тўқсон минут вақт ичида ўйин дуранг натижа берадиган бўлса, ўнбир метрлик штраф зарбалари белгиланади. (Аввал ҳар бир дарвозага бештадан туп тепилади, агар шунда ҳам ажрим бўлмаса, у ҳолда пенальти ғалабагача давом этгирилади).

Волейбол ва баскетбол мусобақаларидаги каби футболда ҳам ғалабагача бўлган ўйин спорт ишқибозларида қизиқишнинг кучайишига туртки бўлса ажаб эмас.

Бу йил олий лигада СССР чемпионати апрель ойида бошланиб, октябрь ойида тугайди. Ўйинлар қатъий бир кунларда — шанба ва якшанбада ўтади. Чоршанба кунлари эса СССР кубоги мусобақалари ва расмий халқаро учрашувлар бўлади.

Бу йилги халқаро календарь бирмунча қизиқарли бўлиши кутилмоқда. СССР терма командаси 10—12 та халқаро ўйин ўтказади. Ирландия ва Франция командалари билан Москвада жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинлари бўлади. Бу учрашувларда муваффақиятга эришилса, Перу терма командаси билан икки марта куч синашилади. Шунинг билан бирга Болгария, ГФР, Англия ,Бразилия, Швеция, Польша, ГДР ва бошқа мамлакатлар терма командалари билан учрашувлар ҳам мўлжалланмоқда.

ҲАЙФСАН «ЭГАСИ»НИ ТОПДИ

Ошхона директори Тутруқсизхўжаев трестдан хурсанд бўлиб қайтди.

— Хизматчиларга айтинг, — деди секретарь қизга, — менинг хонамга тўпланишсин...

Директорнинг мўъжазгина хонаси бир зумда катта-кичик ошпазлар, ўт ёқувчилар-у, идиш-товоқ ювувчилар билан тўлди. Нима гап экан, ишқилиб тинчлик бўлсин-да. деб бир бирларига термулишар эди улар. Лекин директорнинг чеҳрасини кўриб кўнгиллари бироз таскин топди.

— Мен сизларга қувончли хабарни келтирдим, — деди директор йиғилганлар билан сўрашиб бўлгач, — кеча пайчиларнинг район йиғилишида бизнинг ошпазлар тайёрлаган палов кўпчиликка манзур бўлибди. Трестдаги ўртоқлар хурсанд бўлиб, миннатдорчилик билдиришди. Албатта, кўпчиликка ёқадиган таом тайёрлашнинг ўзи бўлмайди. Бу осон иш эмас. Бу кўпчиликнинг иши. Мен паловни дамлашда ошпазимиз Зикирвойга қарашворган кишиларни аниқ билмоқчи эдим.

— Сабзи-пиёзни мен тўграган эдим, — деди тўладан келган қуюқ қора қошли йигит ҳовликиб.

— Мен ўт ёқиб турган эдим, — деди Ҳакимжон энтикиб.

— Мен тузини кўриб бердим, — деди Рустам ака ўлтирган жойидан бир қўзғалиб.

— Ош ёзилаётганда товоқларни узатиб турган эдим, — суҳбатга қўшилди ўрта ёшлар даги фартукли аёл.

Хуллас рўйхат тузилганида ёрдамлашган, маслаҳатлашганларнинг сони ўнга яқинлашиб қолди. Директор ўринбосарига топшириқ берди. Буларнинг ҳар бирига ёзма равишда раҳматнома эълон қилинг, деди-да, сўнг уларнинг ҳар бирини бирма-бир табриклади...

Кунлардан бир кун кечки пайт секретарь қиз хизматчиларни директор хонасига яна таклиф қилиб қолди. Бироқ бугал директорнинг қовоғи солиқ эди.

— Кечаги ошни ким дамлаган эди,— деди дабдурустдан директор.

— Оловни яхши ёқмагансанда, Ҳакимжон, — деди директор, ўнг томонда ўтирган ошпазга ўгирилиб. Шунинг учун ош ланж бўлгандир.

— Йўғе, хўжайин, — деди Ҳакимжон, — мен бошқа юмуш билан банд бўлдим.

— Ошнинг тузини ким кўрди?

Ҳеч кимдан садо чиқмади.

— Идиш-товоқларни ким тайёрлаб берган, — деди директор, — нега индамайсизлар?

— Мен, — деди ниҳоят фартугининг боғичини ўйнаб, бир чеккада қимтиниб ўтирган аёл.

— Ҳа бўлди, бўлди, ҳамма айб сизда экан, товоқларни яхши ювмагансиз. Ювган бўлсангиз ҳам артмагансиз. Ҳўл товоққа сузилган ош нима бўлади, ланж бўлади-да. Лаганчанинг ҳўллигидан ҳам айтувдим-а бунда бир гап бор деб.

Аёл бир нарса демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, директор гап очиртиргани қўймади.

—Ўтиринг, қилгуликни қилиб қўйиб тагин... Ана кўрдиларингми, деди директор, ёнбошида кўкрак кериб ўтирган Зикирвойга қараб, — ўзбошимчалик маманлик нималарга олиб келди. Маслаҳат билан иш қилмагансиз. Шунинг учун ҳам тасмадек ошни шовла қилиб қўйишга сабабчи бўлгансиз.

Директор сўзини тугатди-да, «уф» деб стулга ўтирди. Сўнг ўринбосарига деди: «Ўзбошимчалик қилгани учун идиш ювувчи Камтар холага ёзма равишда ҳайфсан эълон қилинг».

Йиғилганларнинг кўнгиллари ҳижил бўлиб тарқалишди.

Н. РИХСИЕВ.

ҲАЖВИЯ

— Мен, — деди Зикирвой қўрқа-писа ўрнидан туриб.

— Шовла қилиб қўйибсизлар-ку, оғайнилар, — деди директор зарда билан, — шуми мукофотга жавоб.

— Кечирасиз хўжайин, — деди Зикирвой бошини қуйи солган ҳолда, — оби-оташ... Бундан буён хушёр бўламиз.

— Ўтиринг. — деди директор зарда билан, — иккинчи марта қайтарилмасин. Сўнг у симёғоча терилган қалдирғочлардек атрофда мўлтиллаб турганларга бирма-бир разм солиб чиқди.

— Хўш, — деди директор Олимжонга тикилиб, — сабзилар таёқдай-таёқдай тўғралибди. Бу сенинг ишинг бўлса керак.

— Йўқ, — деди Олимжон,— кеча ўзингиз мени бошқа ишга буюрган эдингиз-ку.

ЯНГИЙЎЛ шаҳрида жойлашган бу болалар касалхонасида даволаш ишлари яхши йўлга қўйилган. Бу ерда тажрибали терапевтлар, хирурглар, окулистлар ва стамотологлар ишлашади. Шифохона коллективи шаҳардаги 14-мактаб, 29-болалар боғчаси ва яслиларига ҳам тиббий хизмат кўрсатмоқда. Суратда: шифохона ходимлари болалар боғчасида.

А. Авазов фотоси.
(ЎзТАГ).

Рингда ёшлар

Тошкентдаги Округ офицерлар уйида боксдан ўсмирлар ўртасида СССР Қуролли Кучлари биринчилигининг зона мусобақалари бўлди. Бу мусобақаларда туркистонча спортчилар ҳамшаҳарларини хурсанд қилиша олмади. Уларнинг энг муваффақиятли «жанг» қилгани ярим финалгача борди. Ўз вазн тоифаларида тбилисилик А. Тороян, Р. Хачатрян, куйбишевлик К. Юрин, олмаоталик П. Кривулин, А. Жураковский биринчиликни олдилар. Зона мусобақаларининг ғолиблари СССР Қуролли Кучлари биринчилигининг финалида иштирок этадилар. Бу мусобақалар Калининград шаҳрида бўлади.

ҲАР ТЎҒРИСИДА

ТИЛЛА УЗУКЛИ ҚИСҚИЧБАҚА

Ленинград вагонсозлик заводи ходимлари Комсомол кўлидан ғалати қисқичбақа тутишди. Унинг чиғаноғи негадир ялтирар эди. Синчиклаб қарашса қисқичбақа тилла узук тақиб олибди. Чиранам ниқоҳ узуги! Кимдир бу тилла узукни кўлга тушириб юборгану, қисқичбақа кичиклигида узукнинг ичига кирган. Натижада умрбод «ниқобланиб қолган».

ШАР СИМЕҒОЧЛАР

Япония электрлаштириш монтажчилари Нруто бўғози орқали юқори қувватли электр симлар ўтказишда ажойиб янгилик яратдилар. Қурилишда симёғоч ўрнига дунёда биринчи марта шарлардан фойдаланилмоқда. Чунки сатхи кенг ва тезоқар сув юзасида темир-бетон ва симёғочлардан фойдаланишнинг иложи бўлмади. Натижада юқори қувватли жуда оғир электр симларни тортишда симёғочлар ўрнига ичига енгил газ тўлдирилган шарлардан фойдаланилмоқда.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.30 дан — **Москва кўрсатади.**
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
17.50 — **Кўрсатувлар программаси.** 17.55 — **Мультфильм** (рус тилида).
Ўзбек тилида: 18.05 — **«Қизил галстук»** телевизион журнали. 18.35 — **Ун минут музика.** 18.45 — **Бир гоя тарихи.** 19.15 — **Ёзувчи ва замон.** 19.45 — **«Ахборот»** информацион программаси (рус тилида). 20.00 — **Рангли телевидение. Ҳужжатли фильмлар нино экрани.** 20.30 — **«Ахборот»** информацион программаси. 21.00 — **Экран куйлари.** 22.30 — **«Коммунист»** телевизион журнали. 23.00 — **Назм ва наво** (такрорий кўрсатув).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўқув программаси. 11.30 — **Химия.** «СССРда Газ саноатининг ривожланиши».
Рус тилида: 12.00 — **Телевизион фильм.** 12.25 — **Химия.** «СССРда Газ саноатининг ривожланиши».
17.50 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

19.00 — **Тошкент янгиликлари.**
Ўзбек тилида: 19.10 — **Ўқув программаси. Ўқитувчи экрани.** 19.40 — **Ленинград жасорати** (ҳужжатли фильм). 20.30 — **Врач маслаҳати.** 20.40 — **Болтиқ осмони** (бадиий фильм, 1-серия, рус тилида).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 17/I да **Дилором**, 18/I да **Чио-чио-сан.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 17/I да **Парвона**, 18/I да **Самандар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17/I да **Лаҳма**, 18/I да **Жон қизлар.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/I да **Садоқат**, 18/I да **Беш кунлик куёв.**

КИНО

Аждодлар сири — «ЎЗБЕКИСТОН», «МИР», (жуфт соатларда), Г. ГУЛОМ номли (тоқ соатларда),

Сен менинг ҳаётимсан (2 серия) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечкурун),

Кутилмаган меҳмон — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6, 8 ва 9 яримда), «ВОСТОК» (эрталаб соат 11, кундуз 3 ва 5 да), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда),

Рустам ва Сўҳроб — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 ярим ва кеч 9 да), «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва 2 да), «МОСКВА» (кундуз 1, 3, 5 ва кеч 7 да).

Андрей Рублёв (кундуз соат 3 ва кеч 8 да), **Қора фаришталар** (эрталаб соат 11, кундуз 12, 2, 5, кеч 6 ва 9 да): — «СПУТНИК».

Нариги томон кишиси — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Одам орнестр: Тахта — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 ярим, кундуз 4 ва кеч 6 яримда),

ҚАДРЛИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР!

«СРЕДАЗТРАНССТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ ЎҚУВ ПУНКТИ

сувоқчилар, бўёқчилар, ғишт терувчилар, дурадгорлар, плиткачи-кошиннкорлар, юқори кучланишли линиялар электрик монтёрларини тайёрловчи 3—4 ойлик курсларга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ёши 16 дан кам бўлмаган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Курсларни тугатиб чиққанлар трестнинг темир йўл транспорти, граждан авиацияси ва уй-жой қурилишининг муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган объектларида капитал қурилишини амалга ошираётган қурилиш ташкилотларига ишга юборилади.

Курсларда ўқувчилар ойига 76 сўмдан стипендия оладилар ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Июн ойи ишлагач, олий ўқув юртлари ва техникумларда ўқишни истаган кишилар ўқишга юборилади ва стипендия билан таъминланади.

Отпуска даврида Совет Иттифоқининг хохлаган жойига бориш учун 2 кишига мўлжалланган темир йўл билети билан таъминланади.

Меҳнат шароитлари, келгусида ўқиш имкониятлари билан трестнинг кадрлар бўлимида муфассалроқ танишиш мумкин.

Курсларга ўқувчиларни қабул қилиш ҳар ойда ўтказиб турилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 21-уй.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64697.
Р—03148 № Б—1653.